

**САҲИФАЛАРДА:**



Раҳбар жаримага  
тортилди

4-с.



Ўн бешинчи  
фириғарлик

5-с.



Оқибатда  
ор қолмадими?

6-с.



Кечиримлилик  
ўзбек халқига хос  
фазилат

7-с.

## ОРЗУЛАРНИ ОЛОВГА ОТМА!



2-3 с.

Азиз муштари! "Инсон ва қонун" газетаси жамоаси тез орада кўнглингизга яна бир илиқлиқ бахш этиш йўлида янги лойиҳага қўл урди. Сиз яқин кунларда газетанинг янгиланган расмий "hudud24.uz" веб сайтини ҳам кузатиб бориш имконига эга бўласиз. Унда юртимиз ва дунё бўйлаб содир бўлаётган янгиликлардан биринчилардан бўлиб хабардор бўлиш имконияти пайдо бўлади.

hudud 


[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)



**Биз сизга тезкор ва ишончли  
ахборот етказишдан мамнунмиз!**



ЯШАШ яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши, дейшиади. Яхши яшашни ҳамма ҳам ўз қарини билан ўлчайди. Кимдир бу баҳти ўз оиласи бағрида, ўз ватани түргида, деб билса, яна кимдир шоҳона ҳәёт илинжида хорижда ишлаб, пул топишни афзал билади. Аммо ҳар ерда бор тошу тарози, деганларидек, хорижда ҳам тиллодан таҳт ясаб қўйилмаганлигини англаганингизда эса кеч бўлади. Албатта, меҳнат қилиш ҳар кимнинг шахсий ҳуқуқи. У қаерда, қандай амалга оширилишига даҳи килишдан йирокмиз. Фақатгина, меҳнат ҳуқуқларингиз бузилмаслигини истаган ҳолда, хорижда ишламоқчи бўлсангиз қонуний йўлдан боришингизни, янга ҳам соддароқ қилиб айтсак, шартнома асосида, ҳуқуқларингиз кафолатланган жойда бошингиши магрур тутуб ишланг, демоқчимиз холос. Чунки бугун одам савдоси жиноятидан азият чекаётгандар, уларнинг тўрига алданини тушиб қолаётгандар соғ кўрсаткини, афуски, дунё бўйлаб тобора ошиб бормоқда. Тўғри, бу борада давлатимизда тўғри олиб борилаётган чора-тадбирлар эвазига одам савдосидан жабрланганлар сони камайган. Аммо ҳануз соддадил инсонларимиз уларнинг домига тушиб қолмоқда. Замонавий қўзлик ҳақида шунчалик кўп гапирилса, бонг урниса ҳам алдов домига тушиб қолаётгандар, энг ёмони, бэззан бундай манфурликларни ўз яқинлари томонидан содир этилаётганилиги ҳам ачинарли ҳолат.



# ОРЗУЛАРНИ

Куни кеча интернет орқали бир аёл унга хориждаги меҳмонхонада иш тақлиф қилишаётганинги ва бу меҳмонхона ҳақиқатдада бор ёки йўклиги, у ерда ишлаш бўйича маслаҳат сўраган постга кўзим тушди. Огоҳликнинг яхши йўли. Одам қаерга, нимага, қачон бориши кераклигини, бу ишончлами ёки алдов эканлигини билиши ҳозирги кундан кўйин эмас. Чунки айнан хорижий миграция масаласи билан шуғулланувчи мутасадди органларнинг ҳамиши фуқаролар учун эшиги очиқ. Қолаверса, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам сўровлар, саволлар қабул қилинади. Жумладан, migration.uz, advice.uz сайтилари сизга яқин кўмакчидир. Давлат идорасига боришига эринсангиз, интернетдан фойдаланишини истамасангиз, ҳеч бўлмаса маҳаллангиз идорасига бориб сўранг, матбуотни варажланг, хуллас оғоҳ бўлинг. Азиз жонингиз омон бўлсин, деймай. Кўйида одам савдоси жабрдидаларининг тақдирини эшишиб, ёзиб олаётбى қалбимиз ларзага келди. Бундай тақдир бошқа бир содда ҳамюлтларимизнинг ҳәётида тақрорланмаслигини истардик, шу сабабли сизга ҳам сабоқ бўлсин, деб илиндик (исм шарифлар ўзгастирилган).

## ЕТТИ КУН

Замира. Оиласи. Иккя нафар фарзанди бор. Ўғлига ҳадемай тўй ҳашни арафасида. Ўқимишли, зуко ва ўта сезигр аёл. Бундай аёлни одам савдогарлари қўлида ўйинчок бўлади, деб ким ҳам ўйлайди, дейиз?

У нуфузли ташкилотда ишларди. Оиласи катта. Ҳам иш, ҳам ўй юмушларига ултуриш қийинлиги учун Рашида исмли қизни ўй юмушларига қарашади, деб ишга олди. Рашида кўринишидан беозор, саронжом-саришта, гап-сўзга уста қиз. Хуласа, нима қўйла килди-ю. Замиранинг кўнглидан чиқди, унинг ишончига кирди. Замиранинг Рашидага мөхри ошаверди. Рашида кунора кўл телефонидан гёёни хориждаги қариндошларига қўнгироқ қилиб гаплашади, уни ҳам ёнларига чақириб олишларини сўрарди. Замира бу сўзлашувларга гувоҳ эди. Орадан бир неча ой ўттагач, Рашида хорижка ишга тақдирланни, у ерда бола парваришиларни, бунинг учун унга 700 АҚШ доллари тўлашларини айтиб қолди. Замирага бу хабар оғир ботди. Чунки бу қизга ишонарди, унга қатти戈и бўлганини қолган эди...

Хорижка учиб кеттан Рашида орадан

ҳафта ўтар-ўтмас Замирага қўнгироқ қилиб, уни соғинганлигини, бу ерлар жуда гўзал эканлигини, ҳатто Замирага ҳам иш топиб қўйганлигини айтади. Замира кутилмаган таклифдан эсакнираб қолади. Тўғриси, шунчун пулнинг зарари борми? Ўғли ўйланадиган, ёрдам бўлар? Қолаверса, тўрт-беш ой ўтади-кетади. Рашида ишончли киз. Синовидан ўтган, ўзининг одами бўлса. Шу хаёллар билан Замира тоғонтача ўйланниб чиқди. Сўнг турмуш ўртогига етиб кепган эди. Оила бузилиб кетди. Ўғли онаси ни тан олмади. Ўйдан ҳайдаб солишиди. Хуласа, аёл ҳам ишидан, ҳам оиласидан, энг ёмони, обрў-этибори, шаънидан айрилди. Махалласида яшомлай, бosh олиб чиқиб кетди. Булар кутилмагандан содир бўлди. Ахир, унинг хорижга бориб-келганига етии кунгина бўлганди-да. Бэззан одамлар билиб, огоҳ бўлиб ҳам алданиб қолаверэр экан-да...

файли уч кун ичидаги Ўзбекистонга қайтишга муваффақ бўлади.

Аммо уни ўз юртида ҳам қувонч билан кутишмайтган эди. Бойси, у йўлга чиққанида орқасидан телеграм орқали бехаёт тасвиirlари ҳам турмуш ўртогига етиб кепган эди. Оила бузилиб кетди. Ўғли онаси ни тан олмади. Ўйдан ҳайдаб солишиди. Хуласа, аёл ҳам ишидан, ҳам оиласидан, энг ёмони, обрў-этибори, шаънидан айрилди. Махалласида яшомлай, бosh олиб чиқиб кетди. Булар кутилмагандан содир бўлди. Ахир, унинг хорижга бориб-келганига етии кунгина бўлганди-да. Бэззан одамлар билиб, огоҳ бўлиб ҳам алданиб қолаверэр экан-да...

## ДАРДИМГА ДАҶВО ИСТАБ БОРГАНДИМ...

Малика опа 40 ёнди. Руҳий хасталикка учраган. Кўзлари бир нуқтага термулганча илинж кутади. Йўқ илник эмас, назаримда, фарзандини кутади. Даста-даста гуллар ҳам, ёқимли мусиқалар ҳам унга татимайди. Табассумни бутунлай инутган...

Оғир хасталикка чалиндио, оиласидан ҳаловат қочди. Оиласи ўзига тўй. Топармон-тутармон турмуш ўртоги кўйлайдан келганига унинг қўнгига қаради. Дори-дармонларни узмади, даволатди. Шифокорлар унга хориждагина қилинадиган ўта ноёб уколни тавсия қилишиди. Чиқмаган жондан умид. Улар рози бўлишиди.

Куз ойларида аёл хорижга муолажа учун жўнаб кетди. Қайтгач ўзини жуда яхши ҳис қилди. Шу боис кейинги йили ҳам, албатта, борадиган бўлди. Муддат ҳам тезда келиб қолди. У онаси билан бирга муолажага борадиган бўлди. Манзилга еттач, шифокорлар укол ўн кундан кейин кетирилиши, унгача кутишлари кераклигини айтишиди. Шу орада улар касалхонада ишлайдиган ўзбек аёлга дуч келишиди.

— Мехмонхона қиммат. Истасангиз менинг ўйимда туринг. Бир юртдан эканмиз. Сизларга чин кўнгилдан ёрдам бермоқчиман. Фақат ойнинг кекса экан. Бу ернинг ҳавоси ёқмаслиги мумкин. Уларни Ўзбекистонга қайтариб юборсак, мен сизга ўзим кўз-кулук бўлиб турардим, — деди аёл.

Малика опага бу тақлиф маъқул келди. Онасини ўйга қайтариб юборишиди. Уша куни кечаси унинг сувига таблетка арапаштириб беришиди. Шу кундан эътиборан ҳам ёвузлар тўрига илнди. Дардманд

аёл ваҳшийларча калтакланди, фоҳишиликка мажбурланди. На муолажадан дарак бўлди, на ўз ватанига қайтишдан умид бўлди. Унга ҳам ортга қайтса видеодаги бехаёт тасвиirlарни тарқатиб юборишиларни айтиб, кўркитишиди. Хуласа, аёлнинг соглиги бутунлай издан чиди. Кераксиз матоҳдек бўлиб қолгандан кейин чўргига айтаниришиди. Ахир, ишга ҳам яроқисиз бўлиб қолгандан кейингина утга қайтиришиди. Аёл самолётга тарқарилгандаёт, оила аззоларига бехаёт видеолар етиб кепди. Оиласи уни ўйига киритмади. Эшиклар ташибланди. Фарзандлар ўз ўтириди. Шу сабабли аёл ҳар куни оғрикли хотиралар гирдобидага яшайди. Ҳар куни тақдирини қоралап йиглайди. Кўзлари ўйда. Лекин унинг қалбига кўйилган кулф эшиклари очилишига умид йўқ.

## “ТИРНОФИМИЗГАЧА ЮЛИБ ОЛИШГАН ЭДИ...”

Сарварнинг дэярли ҳамма маҳаллашлари кўшини давлатга ишлашга кетган. У билакларни кучга тўлган йигит бўлди. У ҳам яқин ўртоги билан хорижга ишга кетмоқчи бўлди. Уларнинг жонига бир кўча нарида яшовчи Нозим ака оро кирди. Чунки у бу борада тенги йўқ “даллоп” эди. Йигитлар хуқоқатларни тайёрлаб, йўлга отландилар. Уларни хувиллаган, совуқ ва нурсиз бир хонадонга жойлаштиришиди. Паспортиларини олиб қўйишиди. Бу ердаги “тартиб-коидаларни” обдон тушуниришиди. Хуласа йигитлар лимонариядага ишлайдиган бўлишиди.

Ҳар куни бир буханка нон ва ранги ўчган чой уч маҳал овқат ўрнига бериладиган бўлди. Йигитларнинг силласи кўриди. Улар ҳеч бўлмаса бир ойлик маошларини олиб, уйга қайтаб кетиши мулжаллашиди.

Аммо бир ой ўтиди ҳамки налошдан, на тузук овқатдан дарак бўлмади. Бош кўтарган борки ўз жазосини олаверди. Энг ёмони, кимки ҳақини талаб қилса, кўпчиликни олдида кўйноқса солинади. Сарварнинг хотиралаша, кимда ким иш ҳақини сўраса ёки қочишга уринса, электр токи столига ўтқизиларди. Бу “маросим” ҳамманинг гувоҳлигига, уйкуга кетиш арафасида бошланади. Кунбўйи очлик азоб берган, камига ишлаб чарчаган йигитларни руҳини синдириш, кўркитиш учун қилинган бу томоша ҳам етмагандек, “қайноқ сув тераپияси”, ҳатто йигитларнинг оёқларида гиришиларигача шилиб олишарди. Энг

ёмони ким қочса итдек отиб ташлашарди. Үлгандарни ҳеч ким изини тополмасди.

Сарварнинг яқин ўртоги бу ноҳақликтарга чидолмади. Шу сабаб қочишига қарор қилди. Икки дўст ўзаро келишиб, пайтани пойлаб ётоқларидан қочишининг уддасидан чиқишиди. Аммо буни пайқаб қолган ўй эгалари (бакувват, барзанги йигитлар) ортида тушвиши. Совуқ киш. Устларида юпун кийим, қорни оч йигитлар факат чегара томон югуришарди. Ерлар музлаган. Коронг. Улар кўлга тушса, ўтим муқаррар. Тирик қолиши илинжидаги тупроқлардан ўюм ясаб, беркинишиди. Уларнинг олдида охирги синов қолганди. Чегарадан ўтиб олиш. Аммо бунинг учун сув кечиш керак эди. Қархатоннинг қархидан сув ҳам музлаганди. Улар таваккал қилиб ўзларини сувга отишиди. Томири тортишиб қолган Акмал таслим бўлишга, у ердаги қўйноқдан кўра танаси баликларга ем бўлишига ҳам рози бўлди. Қийимлар музлагани сари сув қаърига тортаради. Сарвар дўстини маҳкам тутиди. Амаллаб сув сатҳига чиқиб олишиди. Ўзларини чегаравчиларга топширишиди. Чегарага етганда ўзларини сувга отмай, тўғри бориб бўлган воқеани айтиб бериша бўлмасмиди, деб ўйлагандирисиз? Аммо уларнинг миясига чегара ҳақидаги

келишини айтади. Шу тариқа она-бола ва Насибанинг икки ўшга тўлмаган қизалоги йўлга отланишиди. Поезд тўхтаганида она бирор набирасини айлантириб келишини айттиб тушуб қолади. Шу кеттанича қайтиб келмайди. Поезд юра бошлади. Насиба хавотирда у ер бу ерга аллангайди. Ўзини юриб кетаётган поезддан отмоқи ҳам бўлади. Аммо уни кейинчалик исми Розалия эканлиги маълум бўлган аёл тўхтатиб қолади ва бирдан мақсадга кўчади. У Насибани 800 АКШ долларига ўз онасидан сотиб олганлигини, эвазига "хизмат" қилиб бериши кераклигини айтади. Қиз табийки ишончнайди. Қандай қилиб, онаси, ўз онаси-а, бу ишни қилолмайди-ку, ахир?! Розалия унга онаси билан ўзаро савдолашган видеотасвирни кўйиб кўрсатади. Шундан сўнг жина бўлишини, акс ҳолда поезддан итариб юбориб, буни баҳтсиз ҳодисага ўййинши айтади. Шу тариқа қизнинг азобли кунлари бошланади.

Совуқ ўлқалардан бирига олиб борилган Насибанинг вазифаси эркакларнинг "кўнглини овлаш" эди. Аммо у бунга кўнмади. Ўғилбола сифат, бакувват, кўполлиги сабаб у бошқаларда "қизиқиш" ўйғотмади ҳам. Шу сабабли уни хизматкорликка қўйишиди. Исподдан кўра, меҳнатни устун

ҳолатларда жарбидийда аёлларнинг ҳеч бирини оиласи қабул қилимади. Кечирмади. Ҳайдаб солишиди. Улар билан яшашни ўзларига иснод, деб билишиди. Нофратланишиди. Ўзи етарлича хўрликларга дош бериб зўрга ватани остановисига қайтан инсонлар энди нима қилади? Ким уларда ҳаётга бўлган ишончини қайтаради. Дунёда яхшилик борлигига ишонтиради? Яхнлар юз ўтирган шундук ҳолатда уларнинг кимга кераги бор? Қарангки, давлатимиз бундай инсонлар ҳақида ҳам қайтурур экан. Умиди сўнг инсонларга илник, янги ҳаёт бериб, саломатлиги ҳақида қайтуриб, келажакка ишончнинг ўйғоттар экан. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни химоя килиши бўйича Республика реабилитация маркази айни шундук мақсадни ўз олдига кўйган. Унинг ташкил этилганига 10 ноябрда ўн йил тўлади.

Ушбу саҳоват маскани билан якндан таниши учун марказга бориб кўрдик. Марказда Тиббиёт фанлари номидади, доцент, олий тоифали шифокор Осимонжон Қосимов билан учрашдик. — Марказимиз дунёда ягона. Тўғри бу каби марказлар кўп давлатларда бор. Аммо уларда одам савдосидан жабрланганлар ўз хисобдига реабилитация ёрдамини олади. Марказ-

Шу тариқа сухбатимиз марказ фаолигига оид савол ва жавобларга уланди. Куйида сизу бизга қизиқ бўлган саволларга жавоб топамиз.

## МАРКАЗДА ҚАНДАЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛАДИ?

- Кечиқитириб бўлмайдиган тиббий ёрдам;
- Психологик ёрдам;
- Юридик ёрдам;
- Ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Ўтган даврда марказ томонидан ижтимоий ахволи оигир, кам таъминланганлиги оқибатида ўз қасбидан ишлаши учун зарур бўлган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни харид қилишига маддий томонлама кийналган жабрдийдаларнинг 17 нафарига Халқаро миграция агентлиги ҳамкорлигига тикув машиналари, сартошлик, ҳандолатчилик жиҳозлари, устачилик анжомлари ва чорва моллари мурувват сифатида топширилди. Қасб-хунари бўлмаган 3 нафар аёл "Машхура" ўкув марказида бепул ўқиттилди.

Бундан ташқари, марказ ходимлари томонидан уларнинг маънавий хордик олишлари учун пойтахтимизнинг диққатта сазовор жойлари, жумладандар, музейлар, хиёбонлар, масжид-мадрасалар, кино ва театрлар, ёзувчиларнинг ўй кутубхоналарига ҳам мунтазам саёҳатлар уюштирилади.

## УШБУ МАРКАЗГА ҚАНДАЙ МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

Одам савдоси жабрдийдаларни Республика реабилитация марказига жойлаштириш одам савдоси жабрдийдаларининг ихтиёрий ҳоҳиши ҳамда реабилитация марказининг директори, ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари томонидан қабул қилинадиган кўшма қарор асосида амалга оширилади. Одам савдоси жабрдийдалари Республика реабилитация марказига ўттис кун муддатгача жойлаштирилди. Зарурат бўлганда одам савдоси жабрдийдаларнинг яшаш муддати уч ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Агар одам савдоси жабрдийдаларини ҳаётни ва соғлигига хавф түғисла, яшаш муддати кўрсатиб ўтилган жабрдийдаларни химоя килиш учун зарур, деб ҳисобланган даврга узайтирилади.

— Одатда, жабрдийдалар руҳий азобланган, зўравонлик курбонига айланиси батом ишонч туйгусини ўйқотган ҳолда келишиади, — дейди марказ психологии Тамара Бутаева. — Уларга яхши кунлар олдинда эканлиги, келажакда жамиятда ҳам ўз ўрнинг эга бўлишларини, ҳар қандай вазиятда ҳам умидларини сўндирилмасликлари кераклигини, энг муҳими, ўзларини ёлгиз хис этмасдан ўзларига бўлган ишончни қайта тикилашга қўмаклаши каби вазифаларни бажарипмиз ва бунга жамоамиз билан астойдил ҳаракат қиласиз. Шунингдек, жабрдийдаларнинг оиласи, якнларни билан муносабатларни тикилашга кўмаклашамиз, энг муҳими, уларни ёлгиз қолдирилмасликимизни ҳис этишлари учун ҳаракат килияпмиз. Уларга ҳали яхши кунлар олдинда эканлигини, ҳар қандай вазиятда ҳам умидини сўндирилмаслик кераклигини тушуништи, бунга ишонтириши осон эмас. Марказимиз ахил жамоаси шу ишни уддаялатти. Балки шунинг учундир марказда реабилитация ёрдамини олган инсонлар бизни кўп ўқуслаб келишиади. Уларнинг кўзларида ҳаётга бўлган ишончни кўриш бизга куч багишлади.

Марказга борганимда бино оппоқ кўринишда эканлиги диққатимни тортид. Оқ кўнгил инсонлардан умидсиз нигоҳларга нур улаши, келажакка ишонч, катъият багишлаш учун мажозий маънода шундай курилганлигига амин бўлдим. Бегарас, холос кўмакларни учун Марказ мутасаддиларига газетамиз орқали самимий раҳмат, дегим келди.

Сиз азиз муштарилиаримизга эса олисларда олов тафти йўқлигини яна бир бор эслатиб қўйиши жоиз, деб билдилик.

**Дилфуз ЭРГАШЕВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири**



билиб, улар нима, деса шу топширикини қилиб юраверди.

Қизлардан бири билан ўралашиб қолиб қамалишгача борди. Аммо ўзининг хули билан намуна кўрсатиб, ўша ердаги қамоқхона ходимларининг ҳам меҳрини қозонди. Хуллас, қамоқхона ходимларининг ёрдамида амаллаб ўз ватанига қайти.

Ўйга келганида қизи анча катта бўлиб қолганди, уни танимади ҳам. Отаси вафот этибди. Бунга онаси ва синглиси сабаби бўлибди. Онаси ишончни синглиси билан ҳам "дон олишиб юриб", ҳомиладор бўлиб қолганида ўз отасига тўнкаб вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлишиади. Ота судгача боради. ДНК текширивчи ўтказилишига оз қолганда, искондаги чиқиб оғизларига тафти. Ҳакиқат ошкор бўлди. Аммо кеч бўлганди. Шу тариқа киз барча кўргуларни олиб келаверди.

Афсуски, қизини оиласи ҳам тинч эмас. Онаси қинғир йўлдан юрганинг ачана йиллар бўлганди. Хуштори қўншиси. Унинг қизини тергашга вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. Нима бўлса ҳам қизининг ахқарлишини истади. Шундай кунлардан бирда Насиба яна аразлаб ўйига келди. Онаси унга яқин дугонасининг ўйига меҳмонга чақириганини, поездга читтани ҳам ўзи олиб беришини, борса бироз чалғиб

зимида эса барча хизматлар давлат томонидан белуп ва бегарас кўрсатилади. Шунингдек, яна бир хайрли ишни бошладик. Эндилиқда, марказнинг ўзида уч хил ўзинида ўқув курслари олиб бориладиган бўлди. Булар тикувчилик, пазандачлилик ва сартошлик, каби йўналишлариди. Мазкур курслар якунида сертификат берилади. Ҳатто, жабрдийдаларининг келгусидида иш фаолиятларини бошлашлари учун хайрия сифатидаги кераки асбоб-ускуналар ҳам ажратилади. — деди Осимонжон Қосимов.

Марказнинг асосий вазифаси, одам савдоси жабрдийдаларни кулагай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, кечиқитириб бўлмайдиган тиббий, психология, ижтимоий, юридик ва башқа ёрдам кўрсатиб, уларнинг хавфзислигини тавъимлаш, қариндошлари билан мулокот ўрнатишида кўмаклашиш, ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш, шахсий ҳаёт ва шахси маҳфилигига риоя қилиш ва башқа қатор мухим вазифаларни ўз ичига олган. Марказ — 30 ўринга мўлжалланган.

## Файриқонуний буйруқ бекор қилинди



НУРОТА туман адлия бўлими томонидан ўтган давр мобайнида фуқароларнинг манфаатларини химоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Жумладан, Нурота туман аҳоли бандларига кўмаклашиш маркази меҳнат инспектори Р.Жабборовнинг ноконуний ишдан бўшатилганини ҳолати юзасидан туман адлия бўлими судга меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги бўйруқни гайриконуни, деб тошиш, аввалги ишига тикилаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво аризали киритди. Суднинг хал қилув қарорига асоссан, аризани Р.Жабборов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги бўйруқ гайриконуни, деб тошиш, фуқаро аввалги ишига тикиланди, мажбурий прогул кунлари учун 2 788 122 сўм иш ҳақи ва 500 000 сўм миқдорида маънавий зарар ундирилди.

Шунингдек, туман тибиёт бирлашмасининг 65 нафар соғиб ва ишлабтган ишини ходимларига улар билан тузиленган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-кисми, 1-бандига мувофиқ бекор қилинганини муносабати билан бугунги кунга қадар тўлаб берилмаётган Меҳнат кодексининг 109-моддасига мувофиқ ишдан бўшатиш нафақалари ҳамда икки ой учун моддий ёрдам пуллари суд тартибида ундириб берилди.

**Азиз АҲМЕДОВ,**  
Нурота туман адлия бўлими бошлиги

## Раҳбар жаримага тортилди



ЯНГИҚЎРГОН туман адлия бўлими "Янгиқўргон Қишлоқ ичимлик сув" УКнинг 18 нафар иши ва соғиб ходимлари корхонадан ойлик маошларини ололмаётганидан норози бўлиб шикоят килишган.

Үрганиш жараённада, "Янгиқўргон Қишлоқ ичимлик сув" УК томонидан 18 нафар иши ва соғиб ходимларга тўланишиши лозим бўлган 27.266.426 сўм миқдорида иш ҳақи тўлансидан келингани аниқланниб, фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўргон туманлараро судига тўлансмаган иш ҳақларини ундириш юзасидан даъво аризали киритилди.

Натижада "Янгиқўргон Қишлоқ ичимлик сув" УК туман филиали раҳбарияти томонидан меҳнат қонуучилигини кўпол равишда бузуб, қонун талабларига зид ҳолда ишини ва соғиб ходимларга ишлалаган иш ҳақларини ўз вактида тўламай келганилари сабабли корхона директорини Маймурий жавобгарликка тўғрисидаги кодексининг 49-моддаси, 1-кисмiga асоссан жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги маъмурӣ таклиф киритилди.

Бундан ташкири, "Янгиқўргон Қишлоқ ичимлик сув" УК туман филиали раҳбарияти томонидан

БУГУНГИ кунда фуқаролар алимент пуллари ўз вақтида етказиб берилмаётганинигидан норози бўлиб, турли давлат органларига муројаат қилимоқда.



## Катта миқдордаги алимент пуллари эгаларига етказилди

Термиз шаҳар адлия бўлимида ҳолат бўйича 143.262.000 сўмдан ортиқ алимент пуллар ўз вақтида фуқароларга етказилмасдан қолдик сифатида колиб кетганини ҳолатлари аниқланди.

Мониторинг натижасида жами 601

та ҳолат бўйича 143.262.000 сўмдан ортиқ алимент пуллар ўз вақтида фуқароларга етказилмасдан қолдик сифатида колиб кетганини ҳолатлари аниқланди.

"Почта алоқаси тўғрисида"ти Қронунинг 27-моддасига мувофиқ, почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича мажбуриятларни ба-

жармаганлик ёхуд лозим даражада ба-жармаганлик учун фойдаланувчилар олдида белгиланган тартибда жавобгарларга ҳолат бўлади. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг жавобгарлиги почта ва куръерлик жўнатмалари йўқолган, бузилган (шикалланган), жойланмалар кам чиқсан, почта ва куръерлик жўнатмалари етказиб берилмаган (топширилмаган), назорат муддатлари ҳамда почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳуҗатлари бузилган бошқа ҳолларда юзага келади.

Юқоридаагарга асоссан мониторинг ўтказиш натижасида аниқланган ушбу қонунбузилиши ҳолатларини бартарап этиш учун Термиз шаҳар адлия бўлими томонидан "O'zbekiston pochta" АЖ Сурхондарё филиали Термиз шаҳар почта алоқаси тармогига тақдимомана киритилиб, қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган ходимларга нисбатан тегисли интизомий жазо чоралари кўлланилди ҳамда ўз вақтида фуқароларга етказилмаган алимент пуллари етказилишига эришилди.

**Жўрабек АБДУЛАЗИЗОВ,**  
Термиз шаҳар адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси

## Тунги кафеларни юритишнинг ўз қонун-қоидаси бор!



ЖАРҚЎРГОН туман адлия бўлими томонидан туман ДСИ, молия, савдо саноат палатаси билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг "Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфзизлиятни таъминлашга доим кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти қарори моҳиятига багишланган семинар ўтказилди. Семинарда тунги вақтда умумий овқатланиш фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорларга қарор билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчлари, яъни умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда раҳбаръи томонидан қарорнинг 2-бандидага белгиланган талаблар бажарилганини ҳақида худудий ички ишлар органларига тегислиши маълумот тақдим этилиши, белгиланган талабларга риоя этилмаганда тунги вақтда фаолият юритиш тақиқланиши ҳамда қонун ҳуҗатларидан белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши, уларнинг қонуний фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар томонидан аралашиш тақиқланиши, тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблагларни ҳисобига видеокузатув тизимини ўрнатиш амалга оширилиши, улар томонидан 2-бандидага назарда тутилган талаблар бузилса ёки тунги фаолияти юзасидан жамоатчилик томонидан мунтазам равишда эътирослар билдирилса, уларнинг тунги вақтда фаолият юритиш ҳуқуқи маҳаллий ижро этувчи ҳоҳимият органлари томонидан бекор қилинини бўйича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, Жарқўргон туман адлия бўлими томонидан туманнинг "Қоракурсок" маҳалласида яловчи фуқаро И.Бобоназаровнинг "Хар бир оила тадбиркор" давлат дастури доирасида ховлисига таъминотчи билан келишган ҳолда 4 сотихи иссиқхона курган бўлса-да, банк томонидан кредит ажратилмаётганини ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди ва мурожаати ўрганиши давомида АТБ "Қишлоққуришишбанк" Жарқўргон филиали томонидан "Хар бир оила тадбиркор" давлат дастури доирасида имтиёзли кредит ажратишида айрим қонунбузилишларга йўл қўйилганини аниқланниб, АТБ "Қишлоққуришишбанк" Сурхондарё вилоят минтақавий филиалига тақдимомана киритилиди ва қонунбузилишларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик белгиланди.

Туман адлия бўлими томонидан тадбиркорга "Хар бир оила тадбиркор" давлат дастури доирасида 22 000 000 сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

**Тўрабек ИСМАТУЛЛАЕВ,**  
Жарқўргон туман адлия бўлими  
етакчи маслаҳатчиси

## Тўланмай келаётган иш ҳақи ундирилди



НАМАНГАН вилоят Уйчи туман адлия бўлими Наманган вилоят Уйчи туман МТП АЖнинг ишчиси Ш.Убайдуллаева ва яна шу корхонанинг 4 нафар ишчи-ходими жами 6 746 104 сўм ойлик иш ҳақини ундириш борасида шикоят қилган. Ҳаттоқи, ходимлар бир неча маротаба Уйчи туман Ҳалқ қабулхонасига ҳамда Уйчи туман ҳоқимлигига мурожаат қилишига қарамасдан ҳеч кандай натижеки бўлмаган.

Уйчи туман адлия бўлими аралашуви билан Ш.Убайдуллаев ва 4 нафар фуқаронинг мурожаатлари юзасидан туман МТП АЖда ходимларга ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақидан қарздорликни бартарап этиш тўғрисидаги тақдимомана киритилиб, 6 746 104 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

**Азамат ШАМСИДДИНОВ,**  
Уйчи туман адлия бўлими ходими

## ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН СТАЖ



АБДУАҲАД Нарзуллаев узоқ йиллар ишлди, меҳнатдан роҳат топди. Топган ҳолол пулга оила бокди. Кексалик эшик тақиллатиб келгач, пенсияга чиқиш учун ҳуҗатларини тайёрлади. Қаранг-ки, Абдуаҳад акага 19 йилни иш стажи белгиланиб, 265 500 сўм нафақа пулди тайинланди. Аммо унинг яна анча йиллар ишлаган даври ҳисоб-китоб қилинган вақтда инобатга олинмаган эди. Шу сабабли нотигури ҳисобланган нафақа пулидан норози бўлиб, Жиззах вилоят Дўстлик туман адлия бўлимида мурожаат қилди.

Үрганиш давомида фуқаронинг ҳақлиги аниқланди. А.Нарзуллаева 1977-1994 йиллар, яъни 38 йил ой кайта кўшилиб, 728 557 сўм нафақа тайинланди.

**Ўлмас АБДИЕВ,**  
Дўстлик туман адлия бўлими бошлиги

**Санжар МАЛЛАБОЕВ,**  
Янгиқўргон туман адлия бўлими  
етакчи маслаҳатчиси

# Кечиримлилик ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХОС ФАЗИЛАТ


САМАРҚАНД вилоят адлия бошқармасида Олий Мажлис ҳузуридан Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-кувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда “Жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахсларни, муқим тураржоига эга бўлмаган шахсларни жамиятга ижтимоий интеграция қилишда – хуқуқий саводхонликнинг ўрни” мавзуидаги тадбир ўтказилди.



Тадбирда Адлия вазирлигининг Фархийлар кенгаси аъзолари, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг масъул ходимлари ва 16 нафар жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахс иштирок этди. Ўнда сўзга чиққанлар мамлакатимизда суд-хукук соҳасини ривожлантириш, қонун устуворлигини тъъминлаш борасида амалга оширилаётган испоҳотлар ҳақида сўз юритди.

Тадбир сунгиги жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахсларга Адлия вазирлигининг Фархийлар Кенгаси томонидан амалга оширилаётган грант лойиҳаси асосида қимматбахо совғалар берилди.

**Ориф МУҲАММАДИЕВ,**  
Самарқанд вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими



НАМАНГАНЛИК Махпират Бурхонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) фирибгарлик кўчасига қадам кўйиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси, 2-кисми, “в”-бандида назарда тутилган жиноятни содир этганда 27 ёшда эди. Ўшанда жиноят ишлари бўйича Шахрисабз туман судининг 2008 йил 28 октябрдаги ҳукмига биноан унга нисбатан 2 йил муддатта ахлоқ тузиши жазоси тайинланниб, 2 йил синов муддати белгиланганди.

Аммо Махпират бундан ўзига тегиши хулоса чиқариб олмади. Аксинча, шундан кейнин 10 йил мобайнида яна 13 маротаба фирибгарликни кўл уриб, бу “хунар”нинг ҳадисини опди. Ҳатто-ки, Жиноят-процессал қодексининг 533-моддаси, 1-кисми, 2 ва 3-бандарига мувофиқ ҳомилодарлариги ҳамда 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлиги боис жазоси кечирилган пайтада ҳам фирибгарликдан ўзини тиймади. Сўнгги маротаба ҳам жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2018 йил 9 апрелдаги ҳукмига кўра тайинланган 5 йилу 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2020 йил 1 апрелга қадар кечирилганди. Бирор кўзи очилмаган М.Бурхонова ўн бешинчи фирибгарликка кўл уриб, ўн ўзгаларни чуб тушириди. Бу гал эса жиноятнига уасининг рафиқаси Гулзода Турсуновани ҳам шерик қилди.

Гап шундаки, хавфли рецивидист бўлган Махпират ўша куни Гулзода билан бирга Пот тумани Чодак қишлоғидаги Дильтар Фазлидиновинага келин либосларини ижарага берувчи салонига киради. Кирби кўришсаки, тадбиркор аёл либослари билан бирга турли парфюмерия маҳсулотларини ҳам савдо кўйиб кўйганди. Шунинг учун кийининг үзакининг ва келин ўша гўззалик ашёларини бирма-бир кўлларига олиб кўра бошлашади.

— Бизга жуда ёди, нархи қанча?, — деб сўрайди улар.

# Ўн бешинчи ФИРИБГАРЛИК

— Қўлингиздагилар эллик минг сўм бўлади.

— Майли, оламиз. Фақат ҳозир пулнимиз йўқ эди. Шунга мана бу тилла узунки олиб қолсангиз. Эртага пулни бериб, узунки олиб кетамиз, — дейишиди мулойимлик билан.

Шундай қилиб иккала хоним бир дона бижутерия узугини бериб, ўзлари танлаган 50.000 сўмлик атир-упаларни олиб чиқиб кетишиди. Кейин эса улар тадбиркор Самира Мирзаеванинг кийим-кечак дўконига киришади. Бу маҳал дўконда Самиранинг синглиси Саида савдо қилаётганди.

— Биз ҳарбий қисмда ишлаймиз. Олтинкондаги “дом”да жаймиз. Эрта-индин яқин танишимиз қизининг тўйини қилаётганди. Шунинг учун тўйга киядиган чиройли кўйлакларингиздан берсангиз, — дейди Махпират.

Бунга ишонган Саида энг сара либосларини уларга кўрсатади. Натижада харидорлар ҳаш-паш дегунча 2.400.000 сўмлик аёллар кийим-кечакларини ташлаб сумкага жойлашади. Кейин Махпират С.Мирзаеванинг хам худди Д.Фазлидиннова сингари аврашга тушади.

— Хўл, дессангиз, мана бу тилла узунки ташлаб кетсан. Ҳозир пулнимиз йўқ эди. Эртага пулни бериб, узунки кайтариб оламиз.

Саида опасига кўнгироқ қилиб, уларнинг илтимосини етказади. Лекин Самира наисяга савдо қилмасликни 450.000 сўмлик аёллар кийим-кечакларини ташлаб суннади. Шундай бўлса-да, фирибгар қариндошлар Сайданинг авраб, кийим-кечакларни олиб кетишиди. Аммо қолдирилган тақинчоқларнинг

сохталиги қачонки Саида уни қўлига тақиб кўргандагина маънум бўлади. Қолаверса, ҳамкишлоплар Олтинкондаги ҳамарчасидаги кўп қаватни йўларда ҳарбий хизматчилар истиқомат қиласлигини айтишиади.

Шундан сўнг Самира Мирзаева дархол туман ички ишлар бошкармасига хабар беради. Оқибатда, Махпират билан Гулзода тез орада кўлга олиниб, иккаласига нисбатан жиноят иши қўзатилилади.

Тергов жараёнда М.Бурхонова С.Мирзаевага етказилган зарарнинг 1.950.000 сўмими коплади. Жабрланувчи Дильтар Мирзаева эса суд мажлисида кўрсатма бериб, ўзига етказилган зарардан воз кечганини, бирор судланувчиларга тегиши жазо тайинлаши сўради. Шу боис жиноят ишлари бўйича Пот туман суди айборларга кунуний жазо тайинлади. Шунингдек, Самирага етказилган зарарнинг 450.000 сўмими М.Бурхонова ва Г.Турсуновадан солидар тартибда ундириш белгиланди. Энг эътиборлиси, Махпиратнинг 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлиги учун унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси яна 2020 йил 1 апрелга қадар кечирилди. Бирор бу сафар у қилмишларидан тўғри хулоса чиқарди. Йўқуми билмади.

**Гўзал ШАРИПОВА,**  
Пот туман прокурори катта  
ёрдамчиси,  
**Бахтиёр ОБИДОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Пот  
туман суди судьяси

# Гап талашди ва...

ОДАМ ҳар қандай вазиятда хатти-ҳароатини бошқарса билиши керак. Негаки, унга акл-идрок берилтган. Батъизда эсимизни йўқотиб кўйамиз. Натижада афсус-надомат чекамиз. Қилган ишилиздан пушаймон бўламиз. Аммо кеч бўлади.

Элдор Рўзиев билан Фархиддин Каримов курсодош бўлган. Иккиси ҳам олий матъумотли. Уттизга ҳам тўлмаган. Шу йил 19 марта куни Фархиддин Каримов кеч соат 21:00 да пойтхатимизнинг Яшнобод туманида вақтинча яшовчи курсодоши Элдорнинг ўйига меҳмонга борауди. Курсодошлар ширин хотираларни эслашади. Фархиддин Каримов ўйига, Қашқадарёга қайтиб кетиши керак эди. Соат 23:00 дан ошганида Элдор курсодошини кузатгани “Дўстлик” метроси томон пиёда кетишади. Гап судланувчилар Элдор Рўзиев ҳамда Фархиддин Каримовга жазо тайинлашда уларнинг яшаш жойидан ижобий тависифланишини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини эътиборга олди. Уларнинг ҳар бирига бир йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси

зимаган келишмовчилик сабабли М.Ирзаев ва А.Бекназаровнинг юз, бош, тана ва оёқ қисмига жароҳат етказади.

Суд-тибий экспертизасининг хуносасига кўра, А.Бекназаровда жароҳат оғирлик дарражаси бўйича соглиқнинг узок вақт бузилишига олиб кепадиган ўртача оғир жароҳат тоифасига кириши қайд этилган.

Суд судланувчилар Элдор Рўзиев ҳамда Фархиддин Каримовга жазо тайинлашда уларнинг яшаш жойидан ижобий тависифланишини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини эътиборга олди. Уларнинг ҳар бирига бир йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси

тайинланди.

Шунингдек, суд жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан тегиши хужжатларни иловга қилган ҳолда фуқаролик иш юритув тартибда судга мурожаат қилиш хукукини тушунирди.

Иккиси курсодошининг қилмиши хукук натижи топди. Улар арзимаган гапнинг орқасидан ўзгартарга мушт кўтариб, жароҳат етказди. Юриш-туришига баҳо бермасликни оқибати эса ёмон бўлди.

**Аброр САЙДОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Пот  
туман суди раиси



## Оқибатда ОР ҚОЛМАДИМИ?

**МАНА** шу мүйилишдан бурисак, ўзимизнинг қишлоқ бошланади. Машина чамбарагини ўнга буриб, тезликни ошираётган Камон биздан сан нарида қўлидаги ҳассаси билан "тўхта" ишорасини қиласётган кекса ёшдаги отахонни кўриб, машинани тўхтатди. Отахон орқа ўриндики жойлаши, ҳол-аҳвол сўраб ўйда давом этди.

Отахон хиёл опдаг энгашди-да, хўрсиниб: "Э, болаларим одамларда оқибат қолмаяти, буда яхшилик аломати эмас. Мана шу жойда турганимга бир соатдан ошиди. Таниш-нотаниш қанча улов ўти, биронтаси тўхта, демайди. Кечагина йўлда турган йўловчига агар техникамизга бошқа одам олишинни ҳеч иложи бўлмаса, тўхтаб узримизни айтиб кетган одамлар эмасидик ёки уловда бўлган ёшлар ўринларини ёши улугларга бушатиб ўзи пиёда кетиб, ду олиб юрганлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз эди-ку. Айни бирордан қидиришимиз ҳам ноўрин, аслида оқибатнинг йўқолиб бориши сўнгти вактларда оилада эр ва аёлнинг ўз ўрнини билмай ҳаракат қилишида. Яқин-яқинларга чўй-маърекаларда ёши улуглар билан ёшлар иложи борича битта хонада ўтирадик, максад ёшларга панд-насиҳат бериш, уроф-одатларимизни уларнинг ҳам онгига сингдириш, катталарга хурмат, кичикларга иззатда бўлиб юришини ўргатиш эди. Яқинда бир ҳамсоямиц тўй-бошлаб кўни-кўшини маслаҳат ошига чақирган экан. Йигин бўлаётган хонадонга борсам, бир кўлига сочиқ, бир кўлига обиста ушлаб ўзим тенгти хонадон соҳиби туриди. Бу ҳонни кўриб ўзим хижолат бўлдим. Кўлим тоза, дедим. "Бу исла сендан бошқа одам топилмадими?" сўрадим ундан. У ҳам ўнгайсизланида ўчоқ бошида турган аёлига қарағ ўғлинги чақир, меҳмонларнинг кўлига сув кўйиб турсин, деди. Аёлнинг жавоби ҳаммасидан ошиб тушди: "Ўглиниг ўртоқларга қарағлати, ёшларга халақит бермай ўзингиз биллиб қилас-версангизни".

Аёлнинг бу гапидан кўнглим бузилди, индамай кетишига вижонинг йўл кўйдими. "Менга қаранг келин, бу нима, деганинг эр кишига ҳам шундай гапирадими, ё замон ўзгариб аёллар бетга чо-пар бўлиб қолдими?"... Бу гапидан сўнг келин хижолат тортиб, узр сўраганича ўйга кўриб кетди.

Мана шунақа гаплар болаларим. Оқибатли бўлинглар, фарзандларини ҳам оқибатли бўлишга ўргатинглар. Йўқса, "оқибатда ор қолмайди!".

Отахон қишлоғинг янмига етганда манзилига етганинг айтиб, тушиб қолди. Мен эса чалкаш-чулкаш бўлиб кетаётган халақит билан қолдим. Отахон озигина овозини баланд қилиб эрига танбеҳона гапиранг аёлнинг хатти-ҳаракатини шунчалик қоралапти. Агар бу нуроний инсон бугун ижтимоий тармоқларда оиласи у ёқда турсин бутун миллат шаънини ерга ўраётган, оғиздан боди кириб, ёшидаги ҳассаси билан аямай савалаша шубҳасиз, чунки у инсонда ор бор, номус бор. Чунки у шундай яшаб келган, у бундай орсизликларга, номусизларига ўрганинг.


Савол кетидан савол келаверди, биз бугун шу даражага етдикми? Ўша ижтимоий тармоқларда аёл шаънига тўғри келмайдиган гапларни гапирайтган аёлларнинг ҳам оиласи бордир, aka-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлариди? Улар ҳам кўриши мумкин-ку. Еки улар бунга кўнишиб бўлдими?

Бугун халқимиз шундук ҳам аёлларнинг ҳар хил қилемшиларини кўриб, ўқиб ёки гувоҳи бўлиб, юраги безиллаб қолди. Аёл боласини сотди, аёленини пичоқлаб ўлдири, келин қайнотасини болта билан чопди, аёл боласини ҳожатхонага ташлади...

Мен бу гаплар билан аёлларимизни ерга уриш фикридан йи-роқаман. Аммо мен ҳам битта ўзбек аёлнинг фарзанди сифатида ўзбек аёлларнинг шаънига дод тушшишдан хавотирдаман, холос.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,  
"Инсон ва қонун" мухабири

## Аёлда ор ва фуурнинг йўқлиги МИЛЛАТ ФОЖИАСИДИР



Аёллар нега бу қадар қуюшкондан чиқиб кетди? Нега базъи амалдорлар, ҳатто ҳокимларни ўзларига қўшиб, шармандао шармисор қилаётган, турли тармоқларга беҳаё видеоларни жойлаштириб, бош кўтариб юрган аёллар ўзбек аёлларни сўнглинига катта иснод кеттириб, миллатини бутун дунёга шарманда қилаётганлигини тушунириб кўя олмаямиз?

**ОЛЛОХ** аёлни муқаддас қилиб яратди, бардошини гулдан эмас, тошдан, меҳрини тупроқдан эмас, қўйшадан қилиб яратди. Елиасига нимаики юнни юклаган бўлса, албатта, ўддасидан чишишига ишончи қўшиб яратди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай даврда, ҳар қандай замонда, ҳар қандай жамиятда аёлга эн мухтарама зот — Она сифатида эхтиром кўрсатилган. Аёлнинг елкасида қанча юку, қанча масъулият борлигини барчамаси яхши биламиш. Аёлнинг масъулиятлизилиги, эътиборсизлиги, беорлиги нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳам жуда яхши тушунамиз.

Ва ҳудди шу ўринда аёлнинг юкоридаги фазилати сифатларига қарама-қарши бўлган хунар қиёғаси ҳам борлигини инкор эта олмаймиз. Замондошларимиз орасида оналидан маҳрум қилинган она, аёл — товламачи, фирибаг, ахлоқ кўчаларидан узоқлашган хиёнаткор, аёл — хинояни деган тавқильтарларга лойик, хотин-қизлар ҳам афсуски оз эмас.

Бугун жамиятдаги оғрикли нуқталарнинг янада катталаша-ётганинг аёлларимизнинг айнан ана шу кирдикларси сабабчи эмасмикин, деб ўйланиб қоламиз.

Оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги көнг ўзларига қарамасдан останови тилодан уйлар нега вайрон бўлмоқди? Замонлар залийни кўттарган, оғир саводларни бошдан ўтказган момоларимиздаги сабр-тоқатлар, меҳру оқибатлар қаёқда қолди?

Ўз боласини, ўз танасини пулга сотаётган аёллар ўзбек эмас, деб инкор қилгимиз, жар соглимиз келади. Мин афсуски, пешонамизга урилаётган зарбаларни, зардаларни кўриб, ерга қараймиз, мулзам бўламиз... Бу иллатлардан кутулишга наҳотки қодир эмасиз?

Ижтимоий тармоқларда кўрсангиз қўзингизни кўр, эшитсангиз кулогингизни кўр, қилиладиган воқеалар — аёлларнинг ҳақоратларга тўла жангларидан ҳатто эркаклар ҳам уядан ёқа ушлайдиган бўлди. Миллат шаънига иснод кетлира-диган бундай шармандали маэнзараларни ижтимоий тармоқларга жойлаштираётган орсиз, гурурзиз миллатдошларимизнинг танобини тортиб кўйиш учун нега кучимиз етмаяти? Ёки миллатимиз аёлларининг ўзи қора бўлиши кимлардиди керакми?

Аёллар нега бу қадар қуюшкондан чиқиб кетди? Нега базъи амалдорлар, ҳатто ҳокимларни ўзларига қўшиб, шармандао шармисор қилиб, турли тармоқларга беҳаё видеоларни жойлаштириб, бош кўтариб юрган аёллар ўзбек аёлларни сўнглинига кўя олмайди. Иложи бўлса холи қолгач, минг истихола билан ерга қараб маслаҳат сўйарди. Бугун-чи, бугун? Айрим аёлларнинг ўзини тутишлари, килишишлари уларга билдирилган ишончлар, кўрсатилган эхтиромлар, бериладиган имтиёзлар ҳайф, деган хулосаларга келишга мажбур қилиди одами.

Бир вақтлар бутун Шарқу Фарбда ўзбек аёлга хурмат билан қарагандар бугун турли интернет тармоқларида ўзини шармандао шармисор қилиб юрган аёлларимизга, асрлар давомидо ўз маънавияти ва маърифати, одобу аҳлоқи билан ўнрак бўлиб келган миллатимизга қандай баҳо беришини нега жиддийроқ, ўйлаб кўрмаямиз? Бу масалада шундай даглигига қолмаслиги, бунга тегишили чоралар кўрилиши ва бундай иснодга чек кўйилиши зарур!

Зулхумор ЖЎРАЕВА,  
Зарофсон шаҳри  
"Юлдуз" маҳалласи фаоли

## ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА!



**БАРЧА** замонларда ва ҳар бир жамиятда аёл улугланиб келинган. Айниқса, миллатимиз оналари бўлмиш хотин-қизларимиз ўзининг ор-номуси, ҳаёси ва ифрати билан жаҳон аҳли ишча ташнагина муболага эмас. Инчунин, аёл киши, аввало, она сифатида қадраланди. Куръони каримининг бир нечта оятларидо онани эъзозлашига, ўнинг ҳаққини адо этишига буюрган. Шунингдек, муқаддас Ҳадисларда ҳам оналар эъзозланган.

Хусусан, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг "Жаннат" оналар оёғи остида, деган машҳур ҳадиси ҳалик орасида кент тарқалган. Ризоуддин ибн Фаҳридин ўзининг "Оила" асарида аёлнинг фарзанд тарбисида ва жамията ҳаётида тутган ўрнинг шундай таъфири беради: "Хотинлари тарбияли бўлган халқ тарбияли, хотинлари тарбияси бўлган халқ тарбияси, хотинлари ялқов ёки истроғар бўлган халқ факир, хотинлари тиришкоқ, тадбиркор, иродали ва ҳатти-қўйилган бўлган халқ бой-бадавлат бўлади". Неча минг йиллик тарихга эга азалиш қадрятларимиз руҳи сингдирилган миллий қонунчилигиниздан аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги борасидаги тамойиллар мустаҳкамлаш кўйилган. Лекин тенг ҳуқуқлиликни ва демократияни уроф-одатларимиз ва жамиятни тарбияти тарбия-қоидларини менси-маслик, кўнгли тусаган бемаънилини қилиши, оғизга келган утизис сўзлар билан кимнидир ҳақоратлаши мумкин, дегани эмас.

Аммо бугунги кунда тенг ҳуқуқлиликни суистемоль қилиб, аёллик номи ва шаънига дод тушираётган айрим

қилади. Гулга қиёсланувчи қизларимиз, она деб атамиши бу аёлларимизнинг кўча-кўйда ўзларини ҳаддан зиёд эркин тутишларини кўрганда, оғизларидан чиқаётган ножӯя сўзларини эшиттида "илон пўст" ташлаши тайин. Буни барчамиз турли ижтимоий тармоқларда тарқаладиган шармандали ҳолатлардан кўриб, билиб турибимиз. Масалан, яқинда интернет саҳифаларида жамоат жойида бир-бира ни курақда турмайдиган қўзлар билан шаънига дод тушираётган бундай беҳаёларга ҳуқуқий чора кўришига ожизми?! Интернет тармоқларидан, ҳатто

Марҳабоҳон АБДУЛАЗИЗОВА,  
Бўка туман хотин-қизлар қўмитаси раиси



ЙЎЛЛАР описларни яқин, оғирларни енгил қила-диган, элларни-элларга, давлатларни-давлатларга боғлайдиган беғараз дўст ва қадрдан ҳамроҳдир. Неча йиллар, неча асрлар үтса ҳамки, йўллар ўз йўлини йўқотмайди, эзгу манзилларга кўпприк бўлиб қолаверади. Йўлларнинг бехатар бўлиши эса кўп жиҳатдан унинг созлигига боғлиқлигини барчамиз яхши биламиш.

Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат учун йўл қурилиши ва йўллардан фойдаланиш мухим аҳамиятни касб этади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси хуздидаги Республика йўл жамгармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида" ги Қарори билан Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил қилинди. Кўмитанинг 2017 йил 19 мартағи 11-сонли бўйруги билан республикамизнинг барча ҳудудлари каторида вилоятимизда ҳам "Навоий мінтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси ташкил топди.

Навоий шаҳридан мамлакатимиз пойтахти Тошкентгacha бўлган масофа 500 километрдан оширокни ташкил этади. Вилоятнинг энг чекка ҳудудига бориш учун esa салкам 600 километр йўл босиш керак. Бу — вилоятимиз қанчалик улкан ҳудудни эгаллаганига бир мисол, холос:

"Навоий мінтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг



## Обод қишлоқ, обод маҳалла ва равон йўллар



асосий вазифалари ва фаолияти сифатида ана шу улкан ҳудудни эгаллаган вилоятдаги ички ҳужа-никларо қишлоқ, автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳарча кўргонларни, қишлоқ ва овлулар кўчаларини лойиҳалаштириш, куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича бош буюртмачи функциясини амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 20

февралдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарорининг ижроси бўйича "Навоий мінтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонасига дастур доирасида туманлар марказидан қишлоқларга борадиган йўлларни таъмирашва туманлар марказий кўчаларига асфальт ётқазиш бўйича буюртма берилди. Вилоятимиз туманлари кесимида 9 та туманда ва 16 та маҳалла фуқаролар йигини ва овул фуқаролар ижросида 343 километр ички йўллар 118 036,0 миллион сўм қийматида жорий таъмираш ишлари бажариди. Ушбу дастурга Навоий шаҳридан Жанубий, Бинокор, Янгирик, Зарабшоҳ шаҳридан Алишер Навоий, Ёшлик маҳаллалари кирифтаган.

Вилоятимиз туманлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги байрамига тўйга тўёна деганларидай бир ҷонча объектлар фойдаланишга топширилди, жумладан, Навоий шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт восита-рининг тирбандигини камайтириш мақсадида И.Каримов кўчасини 1 километр масофада реконструкция ишлари тўлиғида бажарилди. Бунга маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан 15.723,4 миллион сўм ҳаражат килинди.

"Обод қишлоқ" давлат дастурни бўйича режалаштирилган 90,1

километр йўлни асфальтлаштириш ишлари амалга оширилди ва 249,5 километр йўлга шағал ётқизилиб, йўллар сифати таъмирашланди. "Обод қишлоқ" давлат дастурни бўйича эса 19 километр йўлларга асфальт ётқизилди.

Вилоят туманлари ички йўлларни таъмираш бўйича 65,8

километр режалаштирилган эди. Шундан 26,6 километр йўлга асфальт ётқизилди, 39,2 километр йўл шағал билан таъмираниб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда республикамизда "Обод маҳалла" дастурини амалга оширишининг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ("Обод қишлоқ" дастурини амалга оширишин мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 10-сонли бәёни) дастурга асосан ҳозирги кунда вилоятимизда 12 194,7 миллион сўм қийматида жорий таъмираш ишлари бажариди. Ушбу дастурга Навоий шаҳридан Жанубий, Бинокор, Янгирик, Зарабшоҳ шаҳридан Алишер Навоий, Ёшлик маҳаллалари кирифтаган.

Вилоятимиз туманлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги байрамига тўйга тўёна деганларидай бир ҷонча объектлар фойдаланишга топширилди, жумладан, Навоий шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт восита-рининг тирбандигини камайтириш мақсадида И.Каримов кўчасини 1 километр масофада реконструкция ишлари тўлиғида бажарилди. Бунга маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан 15.723,4 миллион сўм ҳаражат килинди.

"Обод қишлоқ" давлат дастурни бўйича режалаштирилган 90,1

километр ички йўллар 118 036,0 миллион сўм қийматида жорий таъмираш ишлари режалаштирилиб, бу буюртмалар пудратчи ташкилотлар томонидан режадагидан ортиғи билан бажарилтилди.

Вилоятимиз туманлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги байрамига тўйга тўёна деганларидай бир ҷонча объектлар фойдаланишга топширилди, жумладан, Навоий шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт восита-рининг тирбандигини камайтириш мақсадида И.Каримов кўчасини 1 километр масофада реконструкция ишлари тўлиғида бажарилди. Бунга маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан 15.723,4 миллион сўм ҳаражат килинди.

"Обод қишлоқ" давлат дастурни бўйича режалаштирилган 90,1

километр ички йўллар 118 036,0 миллион сўм қийматида жорий таъмираш ишлари режалаштирилиб, бу буюртмалар пудратчи ташкилотлар томонидан режадагидан ортиғи билан бажарилтилди.



Маълумот

Вилоятимиз туманлари кесимида 9 та туманда ва 16 та маҳалла фуқаролар йигини ва овул фуқаролар ижросида 343 километр ички йўллар 118 036,0 миллион сўм қийматида жорий таъмираш ишлари режалаштирилиб, бу буюртмалар пудратчи ташкилотлар томонидан режадагидан ортиғи билан бажарилмоқда.

Айни пайтда корхона мұхандык-техник ходимлари томонидан 2020 йилда вилоят йўл соҳасида амалга оширилиши режалаштирилётган давлат дастурни шакллантириш учун барча туманлардаги ички йўлларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича хатлов ишлари олиб борилмоқда. Бу Президентимиз томонидан имзоланган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" давлат дастурларининг изчили амалга оширилиётганнига ҳамда юртимиздаги улкан бүнёдкорлик ишларининг амалдаги ифодаси, десак ҳеч қандай мубоблаға бўлмайди.

Биз обод қишлоқлар, обод маҳаллалар ва равон йўллар учун доимо ҳалқимизнинг хизматидамиз.

Мөхридин СУВОНОВ,  
"Навоий мінтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати" ДУК

директори,  
Тилав БОБОЕВ,  
корхона бош юрисконсульты

## РЕКЛАМА



Хурматли тадбиркорлар!  
**"ASAKA" БАНК**  
бизнесингизни молиялаштириш ва  
ривожлантириш учун қўйидаги  
хорижий банкларнинг  
кредит линиялари маблағлари  
ҳисобидан кредитлар  
таклиф этади:



Маълумот учун телефонлар:  
(78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,  
120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.



www.asakabank.uz



Хитой Халқ  
Республикаси  
Давлат Тараққиёт  
Банки



Халқаро Тикланиш ва  
Тараққиёт Банки  
"Ўзбекистон Республикасида боғдорчи-  
лик секторини ривожлантириш" лойиҳаси  
доирасида



Халқаро Тараққиёт  
Агентлиги  
"Ўзбекистон Республикасида чорвачилик  
соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси  
доирасида




Ландесбанк  
А.Г.  
(Германия)



Коммерцбанк  
А.Г.  
(Германия)



Корея  
Республикаси  
Эксимбанки



Хизматлар лицензияланган.